XALQ DEPUTATLARI G’ALLAOROL TUMANI KENGASHI
QARORI

2023 - yil 1 - mart VI-52-28-3-45-K/23 G‘allaorol tumani hokimligi

Туман ободонлаштириш бошқармасига маблағ ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 ноябрдаги “Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари аҳолисининг турмуш даражасини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 635-сонли қарори ҳамда 2023 йил 31 январ куни Жиззах вилояти ҳокими-Фуқаро муҳофазаси бошлиғи Э.Салиев раҳбарлигида ўтказилган 01-129-сонли йиғилиш баённининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5, 6 - моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

қ а р о р қ и л а д и:

1. Туман молия бўлими (М.Турдимуродов)га туман маҳаллий бюджетининг йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан Ғаллаорол тумани ҳудудидаги ички йўлларни шағаллаштириш ҳамда сел ариқларини олиш ишларида иштирок этиши режалаштирилган махсус техника воситаларини ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш учун 25,0 (йигирма беш) млн. сўм маблағни туман ободонлаштириш бошқармасига ажратиш вазифаси топширилсин.

2. Туман ободонлаштириш бошқармаси (Х.Мамарахимов)га туман маҳаллий бюджетидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш вазифаси топширилсин.

3. Туман ғазначилик бўлинмаси (Ў.Суяров)га маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағларни тегишли ҳисоб рақамга ўз вақтида молиялаштиришни таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Қўчқоров зиммаларига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ж.Оқбоев**